

## Халқаро Хусусий Ҳуқуқда Никоҳдан Ажратишнинг Тартиби

*Қиличова Мунира Азимжон қизи*<sup>1</sup>

**Аннотация:** Ушбу мақолада халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида никоҳдан ажратишнинг тартиб ва қоидалари муҳокама қилинган. Хусусан, никоҳдан ажратишга йўл қўйиш-қўйилмасликни қайси мамлакат қонунчилиги асосида ҳал этиш; эр-хотинлар турли фуқароликка мансуб бўлганда қандай йўл тутиш; оммавий тартиб қоидаларини қайси ҳолатларда қўллаш каби масалалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, халқаро Гага ва Минск Конвенцияларидаги нормалар қўлланилиш тартиби ҳам келтирилган бўлиб, баъзи мамлакатларда халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида никоҳдан ажратишнинг қандай тартибда амалга оширилиши ҳам ёритилган.

**Калит сўзлар:** Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, юрисдикция, коллизия норма, чет эл элементи, *lex fori*.

### Кириш

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсий қонунида белгиланган ирқий, диний чекловлар ёки эркак ва аёлнинг тенгсизлиги ёхуд бошқа чекловлар Ўзбекистон Республикасида ҳеч қандай ҳуқуқий аҳамият касб этмайди. Ўзбекистон Республикаси **Оила кодексининг 234-моддасида** бу ҳолат қуйидагича акс эттирилган, яъни «Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар унинг ҳудудида оилавий муносабатларда Ўзбекистон фуқаролари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эга бўладилар». Никоҳ муносабатлари халқаро хусусий ҳуқуқнинг айнан коллизия-ҳуқуқий усул воситасида тартибга солинадиган муносабатлари сирасига киради. Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги никоҳлар ҳудудий характерга эга бўлган коллизия норманинг таъсири натижасида Ўзбекистон Республикаси Оила қонунчилигининг моддий-ҳуқуқий нормалари асосида тартибга солинади. Бу тарздаги тартибга солишда чет эл фуқароси ёки фуқароси бўлмаган шахснинг шахсий қонунида белгиланган қоидалар инобатга олинмайди.

Никоҳдан ажратиш асосларининг турли мамлакатларда турлича белгиланганлиги, чет эл элементи билан мураккаблашган никоҳдан ажратиш муносабатларини ҳал қилишда айрим муаммоларни келтириб чиқаради. Хусусан, *никоҳдан ажратишга йўл қўйиш-қўйилмасликни қайси мамлакат қонунчилиги асосида ҳал этиш; эр-хотинлар турли фуқароликка мансуб бўлганда қандай йўл тутиш; оммавий тартиб қоидаларини қайси ҳолатларда қўллаш ва ҳ.к.*

### Муҳокама ва натижалар

Турли фуқароликка эга бўлган эр-хотинларнинг ёки бир фуқароликка эга бўлган чет эл фуқароларини никоҳдан ажратиш нафақат қонунни танлашнинг коллизия муаммоси билан, балки муҳим аҳамиятга эга бўлган никоҳдан ажратиш ишининг қайси мамлакат судловига тегишлилигини белгиловчи процессуал муаммо билан ҳам боғлиқ бўлади.

Инглиз коллизия ҳуқуқи никоҳдан ажратиш масалаларини ҳал этишда эр-хотинларнинг фуқаролиги ва фактик яшаш жойидан қатъи назар, домисиилиларининг судлари ваколатлидир.

<sup>1</sup> Ҳуқуқшунос



Шу билан бирга, домисиили тушунчаси инглизларнинг домисиилига нисбатан бўлган тушунчасига жавоб бериши керак.

Никоҳдан ажратиш масаласида судларнинг ваколатлилигини белгилашда асосий мезон эр-хотинларнинг фуқаролиги ҳамда яшаш ёки турар жойлари ҳисобланади.

Масалан, **1993-йилги Минск конвенциясининг 28, 29-моддалари** никоҳдан ажратиш масалаларида ишнинг қайси мамлакат судловига тааллуқлигини белгилашда қуйидаги ҳолатлардан келиб чиқади:

- никоҳдан ажратишга доир ишни кўришда эр-хотинларнинг фуқаролиги мансуб бўлган мамлакатнинг муассасалари ваколатлидир;
- агар ариза билан мурожаат этиш вақтида эр-хотинларнинг иккаласи ҳам бошқа мамлакат ҳудудида яшасалар, никоҳдан ажратиш ишини кўришга ушбу мамлакат муассасалари ҳам ваколатлидирлар. Яъни эр-хотинлар ушбу мамлакат судига ҳам мурожаат этишлари мумкин;
- агар эр-хотинлар турли мамлакат фуқаролари бўлсалар, никоҳдан ажратиш ишини эр-хотинларнинг иккаласи яшаётган мамлакат муассасалари кўришга ваколатлидир;
- агар эр-хотинлар турли мамлакат ҳудудида яшаётган бўлсалар, никоҳдан ажратиш ишини эр-хотинлар яшаётган иккала мамлакатнинг муассасалари кўришга ваколатлидир [1].

Ўзбекистон Республикаси билан Латвия, Литва, Туркменистон, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Чехия каби давлатлар ўртасида тузилган икки томонлама шартномаларда шу каби ҳолатлар белгиланган. Аммо Озарбайжон билан тузилган икки томонлама шартномада «Никоҳдан ажратиш ишларида ариза билан мурожаат этган вақтда эр-хотинларнинг фуқаролиги мансуб бўлган Аҳдлашувчи томон қонунчилиги қўлланилади ва Адлия муассасалари ваколатли бўлади» деб белгиланган. Демак, бу шартномага кўра иккаласи ҳам Озарбайжон фуқароси бўлган эр-хотинлар Ўзбекистон ҳудудида яшасалар ҳам Ўзбекистон Республикаси ваколатли органларида никоҳдан ажратишга ҳақли эмаслар. Шу қаторда Озарбайжонда доимий яшовчи Ўзбекистон фуқаролари ҳам фақатгина Ўзбекистон Республикаси ваколатли органларида никоҳдан ажратишга ҳақлидирлар.

Чет эл элементи мавжуд бўлган маълум бир никоҳдан ажратиш ишини ўз ваколатига қабул қилган мамлакат суди ёки ваколатли давлат органлари олдида ушбу муносабатни ҳал этишда қайси мамлакат қонунчилигини қўллаш кераклиги масаласи туради. Яъни ҳуқуқий муносабат таркибидаги чет эл элементи тегишли бўлган мамлакат ҳамда судлов мамлакати моддий-ҳуқуқий нормалари ўртасида коллизия муаммо вужудга келади.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги **1902-йилги Гагаа конвенцияси** никоҳдан ажратишни эр-хотинларнинг ҳар бири миллий қонунчилиги билан бир қаторда *lex fori* ҳам никоҳдан ажратишни йўл қўйсагина, никоҳдан ажратишга руҳсат берган.

Иккиламчи коллизия муаммо никоҳдан ажратиш асосларини турлича белгилаган мамлакатлар қонунчилиги моддий-ҳуқуқий нормаларининг тўқнашуви натижасида вужудга келади. Континентал ҳуқуқ тизимида кирувчи давлатларда асосан эр-хотинлар фуқаролиги мансуб бўлган давлат қонуни қўлланилади. Англо-саксон ҳуқуқ тизимида мансуб давлатларда эса яшаш жойи қонуни (*lex domiciili*) ҳамда судлов мамлакати қонуни (*lex fori*) амал қилади. Аммо аксарият мамлакатларда чет эл элементи билан мураккаблашган никоҳлардан ажратиш учун белгиланган коллизия боғловчилар бир-бирини тўлдиради.

Никоҳдан ажратишга нисбатан қўлланиладиган коллизия боғловчини белгилаш нафақат миллий коллизия қонунчилик доирасида, балки кўп томонлама шартномаларда ҳам амалга оширилади. Хусусан, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги **1902-йилги Гагаа конвенцияси** никоҳдан ажратишни суд кўраётган ҳолатда иккала ҳуқуқ тизимида мавжуд бўлган асослар бўлсагина никоҳдан ажратишга йўл қўяди. Конвенциянинг **2-моддасига** кўра эр-хотинлар никоҳдан ажратишни фақатгина сўз бораётган ҳолатда эр-хотинларнинг шахсий қонуни ҳам,



даъво кўзғатилган жой қонуни ҳам турли асослар билан бўлсада, никоҳдан ажралишни йўл қўйсагина сўрашлари мумкин. Масалан, Швецария фуқароси Францияда, хотинини хиёнатда айблаб, ушбу хиёнат ҳақида олти ой муқаддам билганлигини айтиб, никоҳдан ажралиш даъвосини кўзғатади. Хотини никоҳдан ажралишга рози бўлади. Швецария қонунчилигига кўра хиёнат қилиш факти, агар ушбу ҳолат аниқланганлигидан сўнг олти ой ўтмасдан, даъво аризаси билан мурожаат қилинсагина, никоҳдан ажралишга асос бўлиб ҳисобланади. Аммо эр-хотинларнинг ўзаро розилиги асосида никоҳдан ажралишга йўл қўйилади. Францус қонунчилиги эса тарафларнинг ўзаро розилигини асос сифатида белгиламайди. Аммо эр ёки хотиннинг хиёнати факти никоҳдан ажралишга асос бўлиб ҳисобланади. Демак, ушбу мисолда эр-хотинларнинг ўзаро розилиги Швецария қонунчилиги бўйича асос бўлиб ҳисобланади, хиёнат факти эса Францус қонунчилиги бўйича асос ҳисобланади. Ушбу асосларнинг бир-бирига тўғри келмаслигига қарамай, Гагаа конвенциясига асосан Франция суди никоҳдан ажратиш тўғрисида қарор чиқариши мумкин [2, б. 121].

Ўзбекистон Республикаси **Оила кодексининг 236-моддаси иккинчи қисмига** кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшаб турган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида яшаб турган эри (хотини) билан тузилган никоҳдан, мазкур шахс қайси давлат фуқароси эканлигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси судида ажралишга ҳақлидир. Масалан, Испания фуқаросига турмушга чиққан Ўзбекистон фуқароси Испанияда ажратишга йўл қўйилмаса ҳам Ўзбекистон Республикаси судларида никоҳдан ажралишга ҳақли.

Чет эл фуқаролари иштирокидаги никоҳларнинг тугатилишида чет эл қонунини қўллаш ушбу муносабатнинг ҳар қайси мамлакатда ҳам тан олинishi имкониятини яратади. Аммо чет мамлакат қонунини қўллаш никоҳдан ажратиш ҳолатларида никоҳни қайд этиш муносабатларига қараганда бошқачароқ тартибни талаб қилади. Яъни коллизия тамойилни шундай шакллантириш керакки, у ҳар қандай ҳолатда ҳам муаммони тўғри ҳал этсин [3, б. 222-233].

Халқаро хусусий ҳуқуқда никоҳ ва оила билан боғлиқ муносабатлар турли коллизия методлар билан тартибга солинади. Турли мамлакатлардан бўлган шахсларнинг никоҳ-оила ҳуқуқий муносабатларига киришиши ушбу мамлакатларнинг ҳуқуқий хусусиятлари билан мураккаблашади. Халқаро хусусий ҳуқуқ коллизия нормалардан ташкил топган ҳисобланади.

Никоҳ ва оиламуносабатлари энг кўп коллизия масалаларни ўз ичига олади. Низоли масалаларни ҳал қилиш учун у ёки бу давлатнинг шу низони ҳал қилувчи ички қонунчилигини кўриб чиқиш керак бўлади ҳамда низолашаётган тарафларнинг миллий хусусиятларини, тарихин, урф-одат ва анъаналарини ҳисобга олиш ҳам керак бўлади. Шу нарса маълумки, баъзи давлатлар ҳудудида диний қонунлар давлат қонунлари билан тенг ёки ундан ҳам юқорида туради ва ушбу давлатларда низо диний ёндашув билан ҳал қилинади. Ушбу масалани ўрганиш ҳуқуқ нормаларини амалга оширишда муҳим ёндашув бўлиб ҳисобланади. Европа ва Осиёнинг замонавий давлатлари бу йўналишда сезиларли даражада бир-биридан фарқ қилади. С.Ю.Писарчикнинг таъкидлашича, оилада эр ва хотиннинг ўрни тенг ҳисобланмайди. Қатор мусулмон давлатларида оилада эрнинг ҳуқуқлари аёлникига қараганда кенгайтириб борилмоқда, эркак озод мусулмон аёл билан никоҳ тузиб, уни қонунийлаштирмоқда. Бир қатор мамлакатларда оилавий муносабатлар бошқа соҳа масалаларидан ажратилган, масалан, Швецария, Япония ва Францияда оила ҳуқуқи мустақил соҳа сифатида тан олинмаган. Бу мамлакатлардан Франция ўз позициясида мустақам туради. Наполеон даврида ҳам оила ва никоҳга алоҳида устунлик берилган. Император тартиб ва интизомнинг қатъий тарафдори бўлиб, болалар айнан никоҳда туғилиши керак деб ҳисобларди ва ҳоказо. Бу қоидалар Франция фуқаролик қонунчилигига қатъий киритилган ва 1804 йилги Наполеон кодекси деб номланган [4]. Аксинча Лотин Америкаси, Россия ва Алжирда оила ҳуқуқини алоҳида мустақил соҳа деб ҳисоблашади. Бироқ Россияда оила ҳуқуқини ҳуқуқнинг алоҳида институти деб ёки соҳа деб ҳисоблашда ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турли қарашлар мавжуд.



Оила-никоҳ муносабатларидан келиб чикувчи масалалар никоҳдан ажратишни ҳам тартибга солади. Турли ҳуқуқий тизимлар ушбу муносабатларни тартибга солувчи бир қанча нормаларни ўз ичига олиб, улар жуда ғайриодатий ҳамда қизиқарли ҳисобланади. Ява оролида никоҳдан ажрашаётганлар ажрашиш тўғрисидаги қарорни олишдан аввал бешта дарахт экишлари лозим. Никоҳдан ажратиш ҳар доим ҳам у ёки бу қонунга кўра содир бўлмайди. Асосан диний ёндашув устун бўлган мамлакатларда эр гувоҳлар иштирокида «мен ажрашаман» деган иборани уч марта баланд овозда айтиши кифоя. Бунга мисол қилиб Бирлашган Араб амирликларини келтириш мумкин, ушбу давлатда оила ва никоҳ тушунчалари асрлар давомида шаклланиб келган динга, урф-одатга асосланган. Никоҳдан ажратиш масаласи ҳам бир қанча коллизия ҳолатларни ўз ичига олади, бу нарса бир давлатда бекор қилинган никоҳ бошқа бир давлатда қонуний деб тан олиниши мумкинлиги билан боғлиқдир.

Баъзи давлатларда (Россия, Сингапур) никоҳдан ажрашиш осон ҳисобланади, бошқа давлатларда никоҳдан ажрашиш учун тақиқлар мавжуд бўлади ёки муайян шартларни бажариш лозим бўлади. Франция қонунчилиги никоҳдан ажратишга асос учун эр ва хотиннинг ҳам розилиги бўлиши кераклигини белгилайди. Буюк Британияда эса никоҳдан ажрашишга оиланинг чиндан барбод бўлганлиги асос бўлади.

Халқаро хусусий ҳуқуқда низоли масалаларни ҳал қилишда конфликтли мажбуриятлар формулаларини кўриб чиқиш, жисмоний шахснинг шахсий қонунини ҳисобга олиш, бу нарса икки мезондан иборатдир, яъни фуқаролик ҳамда доимий яшаш жойи, никоҳ тузилган давлатнинг қонунини, шунингдек, никоҳ тузилган жойни, давлатлар ўртасида мавжуд шартномалар ва бошқаларни ҳисобга олиш керак бўлади [5, б. 311-318].

Халқаро хусусий ҳуқуқда никоҳдан ажратиш масалаларида француз фуқаролик қонунчилиги коллизия нормани қўллашда турмуш ўртоқларнинг шахсий қонунидан фойдаланган ҳолда ушбу масалани ҳал қилади. Шунинг учун аралаш никоҳ ҳақида гап кетганда ушбу муносабатни ҳал қилишда суд икки хил қарама-қарши шахсий қонунни қўллаш муаммосига дуч келади. Бундай ҳолда агар турмуш ўртоқлар умумий домицилияга эга бўлса, ўша ернинг қонуни қўлланилади. Бундай яшаш жойи бўлмаган тақдирда тарафларнинг миллий қонуни қўлланилади.

Ўз навбатида немис оила ҳуқуқи никоҳдан ажратиш жараёни бошланган вақтда унинг умумий оқибатлари келиб чикувчи ҳуқуққа бўйсунди. Агар даъвогар Германия фуқароси бўладиган бўлса, бу ерда императив норма мавжуд бўлади ҳамда ишни суд органи кўриб чиқади.

Инглиз-америка ҳуқуқида эса никоҳдан ажратиш масаласида ишнинг юридикциясини ҳал қилиш керак бўлади. Юрисдикция масаласи турмуш ўртоқларнинг яшаш жойи, яъни домицилии асосида ҳал қилинади.

Мусулмон мамлакатларда коллизия боғловчини қўллашда эрнинг фуқаролиги бўйича шахсий қонунидан фойдаланилади [6, б. 21-22].

### **Хулоса**

Халқаро хусусий ҳуқуқда никоҳдан ажратишнинг қоидалари, тартибини кўриб чиқишдан шу нарса маълум бўладики, никоҳдан ажратишга йўл қўйиш-қўйилмасликни қайси мамлакат қонунчилиги асосида ҳал этиш; эр-хотинлар турли фуқароликка мансуб бўлганда қандай йўл тутиш; оммавий тартиб қоидаларини қайси ҳолатларда қўллаш каби масалаларни ҳал қилиш муҳим ҳисобланади. халқаро хусусий ҳуқуқда никоҳдан ажратиш масаласини ҳал қилишда коллизия нормани, яъни қайси давлат қонунчилигини ишлата билиш муҳим ҳисобланади. Хусусан Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги никоҳлар ҳудудий характерга эга бўлган коллизия норманинг таъсири натижасида Бу тарздаги тартибга солишда чет эл фуқароси ёки фуқароси бўлмаган шахснинг шахсий қонунда белгиланган қоидалар инobatга олинмайди. Континентал ҳуқуқ тизимида кировчи давлатларда эса асосан эр-хотинлар фуқаролиги мансуб бўлган давлат қонуни



қўлланилади. Англо-саксон ҳуқуқ тизимига мансуб давлатларда яшаш жойи қонуни (*lex domiciili*) ҳамда судлов мамлақати қонуни (*lex fori*) амал қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Конвенция Минск. О правовой помощи и правовых отношениях по гражданским, семейным и уголовным делам. (<https://lex.uz/docs/2741652>).
2. Макаров А.Н. Основные начала международного частного права. – М., 1924. – С. 121.
3. Халқаро хусусий ҳуқуқ: Дарслик. / Муаллифлар жамоаси // й.ф.д., дотс. И. Рустамбеков умумий таҳрири остида. Т.: ТДЮУ, 2019. 222, 229-233-бетлар.
4. Napoleon Code; or, The French Civil Code. Literally Translated from the Original and Official Edition, Published in Paris, in 1804. Available from: [http://www.napoleon-series.org/research/government/c\\_code.html](http://www.napoleon-series.org/research/government/c_code.html)
5. Бондарева Е.В. Коллизионные вопросы заключения и расторжения брака в международном частном праве // Социальная компетентность. 2019. Т. 4. № 4. С. 311–318.
6. Т.С.Назиркуловна. Правовое регулирование брачных отношений в международном частном праве. Автореферат на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Бишкек 2007. С. 21-22.

